



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Ўзбекистонда исломий банк маҳсулотларини жорий этиш истиқболлари

и.ф.н. Додиев Фозил Ўтқурович^а, Бобоёров Асилбек Йўлдошович^б.

^аТошкент шаҳридаги Ёджу техника институти “Банк иши ва бухгалтерия ҳисоби” кафедраси мудири

^бЎзбекистон Республикаси Банк-молия академияси тингловчиси

Ўзишмалар учун муаллиф электрон почтаси: f.dodiev@ytit.uz

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 31.07.2022

Қабул қилинган вақти: 05.08.2022

Калит сўзлар: банк, нобанк кредит ташкилоти, исломий банк, ислом дарчаси, исломий банк маҳсулотлари, ғорар, майсур.

Аннотация

Ушбу мақолада мамлакатимиз иқтисодиётида исломий банк маҳсулотларини жорий этишнинг зарурлиги ва уларни ўзига хос хусусиятлари ва турлари таҳлил қилинган. Шунингдек, исломий банк маҳсулотларини жорий этиш ҳолати, бу билан боғлиқ муаммолар тадқиқ этилиб, уларни бартараф этиш қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Кириш

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун иқтисодиёт тармоқларини инновацион технологиялар асосида таркибий қайта қуриш, илмий сиғими юқори бўлган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини юқори даражага чиқариш лозим. Айниқса, аҳолини камбағаллик даражасини кечин қисқартириш ва уларни турмуш даражасини ошириш учун кичик бизнесни ривожлантириш зарур. Булар йирик ҳажмда молиявий ресурслар талаб қилиб, ушбу талабни қондириш учун банк тизимида муқобил молия институтларини ривожлантириш ва замонавий банк маҳсулотларини жорий этиш керак.

Ҳозирги вақтда кўпчилик давлатлар ва тадбиркорларни ўзига жалб қиладиган муқобил молия тармоғи бўлиб ислом молияси ҳисобланади. Айниқса, 2008 йилги жаҳон молиявий инқирозидан кейин ислом молиясига қизиқиш ортди. Чунки ушбу инқироз даврида ислом молия институтлари ҳамда ислом молия хизматлари кўрсатадиган анъанавий тижорат банклари бўлинмаларида ликвидлилик муаммоси юзага келмади. “Банкларнинг спекулятив фаолияти таназзули вақтида исломий институтлари фойдаси йилига 15-20 фоизга, активлари эса 20 фоиздан зиёд ўсиб бормоқда” (Беккин, 2009).

Замонавий иқтисодиётда ислом молиясининг аҳамияти ва уни ривожлантиришни зарурлигини ҳисобга олиб, мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев

“мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақт-соати келди” деган фикрни таъкидлади (Мурожаатнома, 2020).

Мамлакатимизда исломий банк маҳсулотларига талабнинг юқорилигига қарамадан, ҳалигача уларни жорий қилиш бўйича етарлича ишлар қилинмаган. Ушбу ҳолатлар исломий банк маҳсулотларини жорий этиш ҳолати, имкониятлари ва бу билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилишни тақоза этади.

Адабиётлар шарҳи

Коронавирус пандемиясидан сўнг кўпчилик давлатлар иқтисодиётни тиклаш ва барқарор ривожлантириш учун молиявий ресурсларга эҳтиёжи кескин ошди. Айниқса, ҳозир Россия билан Украина ўртасидаги можаро туфайли жаҳон иқтисодиётида юз бераётган инқироз молиявий ресурсларга бўлган талабни янада оширди. Бундай шароитда жаҳон иқтисодиётидаги молиявий барқарорсизлик кўпчилик мамлакатларни муқобил молия институтларини ривожлантириш ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Айниқса, риск даражаси паст бўлган исломий банк маҳсулотларига талаб ошади. Жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатларида 1100 тадан кўп молия институтлари исломий молиявий хизматларни кўрсатмоқда (Мусаев, Магомедова, 2018).

Тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги вақтда исломий молия 105 та мамлакатда ишлаб турибди, аксарият мамлакатлар

қонунчилигида мазкур соҳа учун меъёрий-ҳуқуқий асосни яратишга муваффақ бўлинди (Байдаулет, 2019). Мамлакатимизда тижорат банкларида исломий банк маҳсулотларини жорий қилиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий асос ҳалигача яратилмаган.

XX аср охири – XXI аср бошларида исломий банк иши ўсишидаги улкан ўзгаришлар йирик анъанавий банкларнинг ҳам диққат-эътиборини, «исломий дарча» деб аталадиган муқобил маҳсулотларни тақдим этишга қаратишига туртки бўлди. Чунки исломий банклар умумий молиявий муҳитда вужудга келади ва ишлайди, улар бозорда рақобатбардошликни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ муаммоларга рўбарў бўлади (Байдаулет, 2019). Ҳозирги вақтда республикаимиз тижорат банклари ҳам «исломий дарча» очиш бўйича тайёргарлик кўриб келмоқда. Иломий банк хизматлари кўрсатиш бўйича ҳуқуқий асос яратилиши билан банклардаги мазкур «исломий дарча»лар ўз фаолиятини бошлайди.

Сўнгги пайтларда кўпгина ғарб банклари дунёнинг турли мамлакатларида ўзларининг исломий шўъбаларини очмоқдалар. «Чейз Манхэттен», «Голдмэн Сакс», «Ай — Эн — Джи», «Номура Секьюритиз», «Джей Пи Морган» ва бошқалар шулар жумласидандир. Американинг машҳур банкларидан «Ситибанк» махсус ислом фондлари учун 1 млрд. доллар маблағ ажратиши ҳам молия бозорида ислом банкларининг роли тобора ошиб бораётганлигидан далолатдир (Шожалилов, 2018). Бундан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда ҳам ислом банкларини ривожлантириш ва исломий банк маҳсулотларни тез жорий этиш лозим.

Тадқиқот методологияси.

Илмий мақолани тайёрлашда индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, таркибий таҳлил, статистик таҳлил, абстракт-мантикий фикрлаш, эксперт баҳолаш каби усуллар қўлланилган. Мақоланинг услубий асоси сифатида хорижий ва миллий иқтисодчи олимларнинг адабиёт ва мақолалари таҳлил қилинган. Ҳозирги шароитда мамлакатимизда исломий банк маҳсулотларини

жорий қилиш ҳолатини таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий маълумотларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Таҳлиллар ислом банкларининг инқирозга чидамлилиги сабаби жуда оддийлигини кўрсатди:

- ислом банкларида «майсир» деб номланувчи, яъни ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб қилмаган ҳолда фойда олишга қаратилган ҳар қандай спекулятив восита ва усуллардан фойдаланиш тақиқланади;

- ислом банкларида арабчада «ғарар» деб аталувчи («ғарар» сўзи араб тилида «хавф-хатар», «чалғитиш», «хатарга рўпара қилиш» маъноларини билдиради) ўзини оқламайдиган ҳаддан ташқари таваккалчилик таъқиқланади;

- ислом молия муассасалари ишлаб чиқариш тармоғига (реал секторга) таянади, бу эса молиявий инқирозга чидамлилигини таъминлайди.

Мамлакатимизда ислом банкларини ривожлантириш учун имконият борми, исломий банк маҳсулотлари жорий этилса, уларга талаб бўладими деган савол туғилиши табиийдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури доирасида 2020 йилда амалга оширилган «Ўзбекистонда Иломий молиялаштириш воситаларининг таҳлили» номли тадқиқот ва унинг доирасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра мамлакатимиздаги хусусий тадбиркорларнинг 38% ва жисмоний шахсларнинг 56% фоизи эътиқодига кўра анъанавий банклар кредитларидан фойдаланилмаслиги аниқланган. Энг қизиғи ва муҳими, ушбу сўровномада агар ислом дарчалари ёки ислом банклари очилса, хусусий тадбиркорларнинг 61% ва жисмоний шахсларнинг 75% фоизи улар билан ишлашга тайёрлигини айтишган (қаранг: 1-расм). Ушбу таҳлиллар кўрсатадики, мамлакатимизда ислом банкларини ривожлантириш имконияти жуда кенг ҳамда исломий банк маҳсулотларига талаб жуда юқоридир.



1-расм. Ўзбекистонда ислом банкларини ривожланиш имкониятлари¹

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда аҳоли маблағларини иқтисодиётга кўпроқ жалб қилиш ва тадбиркорликни янада ривожлантириш учун ислом банкларини очиш лозим экан. Шундагина аҳолини ва тадбиркорларни исломий банк маҳсулотларига бўлган талабини қондириш имконияти бўлади.

Мамлакатимизнинг бир қатор тижорат банклари исломий банк маҳсулотларини тақдим этувчи “ислом дарчалари”ни очиш бўйича «Хусусий тармоқни ривожлантириш Ислом корпорацияси» (ICD) билан биргаликда ишлар олиб бормоқда.

Ислом дарчаси кўп ҳолларда мамлакатларда ислом молия тизими ёки ислом молияси бўйича қонунчилик мавжуд бўлмаганда ташкил этилади. Чунки, ислом дарчаси маълум мамлакатнинг мавжуд қонунлари ва ҳуқуқий базаси асосида чегараланган миқдордаги хизматлар ва маҳсулотларни анъанавий банкнинг таркибий бўлинмасининг маҳсулоти сифатида тақлиф этади. Тўлақонли ислом банкчилиги хизматлари ва маҳсулотлари эса, одатда ўша мамлакатда тегишли қонунлар ишлаб чиқилганидан кейин тақдим этилади (Низомиддинов, 2021). Аммо мамлакатимизда “ислом дарчалари” фаолиятини бошлаш учун меъёрий-ҳуқуқий асос ҳалигача яратилмаган. Шунинг учун тижорат банклари “ислом дарчалари”ни очиш учун тайёргарлик кўрганига қарамай уларни ишини бошлай олмасдан турибдилар.

Фақатгина ҳозирги кунга келиб республикаимизда исломий молия хизматлари кўрсатиш учун ҳуқуқий асос яратилди. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 20 апрелдаги “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонунга (4-модда) кўра микромолия ташкилотлари исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиши мумкин (Қонун, 2022). Бундан кўриниб турибдики, ушбу қонун бўйича мамлакатимизда исломий банк хизматларини фақатгина нобанк кредит ташкилотлари кўрсатишга ҳақли, тижорат банкларининг “ислом дарчаси” очиш жараёни эса мураккаб ва қийиндир. Фикримизча, ҳозирги мавжуд қонунчилик шароитида тижорат банклари нобанк кредит ташкилотларини таъсис этиб, улар орқали исломий банк хизматларини кўрсатишни бошлашлари лозим. Ушбу нобанк кредит ташкилотлари банкларда “ислом дарчаси” вазифасини бажаради.

“Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонунда исломий банк хизматларини кўрсатишда маълум чекловлар ҳам ўрнатилган. Хусусан, ушбу қонуннинг 5-моддасида “жисмоний шахсларга микроқарз суммасидан ошмайдиган миқдорда исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиш” ҳамда “тадбиркорлик субъектларига микрокредит суммасидан ошмайдиган миқдорда исломий

молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиш” белгиланган. Мамлакатимиз қонунчилигига (Қарор, 2019) биноан микроқарзнинг энг юқори миқдори 50 млн сўмгача ва микрокредит миқдори 300 млн сўмгача ўрнатилган бўлиб, бу исломий банк хизматлари кўрсатиш ҳажмини чегаралайди.

Шунингдек, “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида нобанк кредит ташкилотлари жисмоний ва юридик шахслардан омонатларни (депозитларни) жалб этишга ҳақли эмас деб белгиланган. Демак, исломий молия хизматлари кўрсатувчи нобанк кредит ташкилотлари ўз фаолиятларин амалга ошириш учун омонатлар жалб қила олмайдилар. Бу эса, исломий молия хизматларини кўрсатишни ривожланишига тўғроқ бўладиган ҳолатдир.

Фикримизча, мамлакатимизда ислом банк маҳсулотларини жорий қилиб, унинг ҳажмини кескин ошириш учун Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонунига ўзгартириш киритиб, банкларга исломий банк хизматлари кўрсатишга рухсат бериш лозим. Ҳеч бўлмаганда, исломий банк хизматлари кўрсатадиган нобанк кредит ташкилотларига исломий асосда омонатларни жалб қилишга рухсат бериш лозим.

Хулоса ва тақлифлар.

Ҳозирги шароитда мамлакатимизда исломий банк маҳсулотларини жорий этиш доирасида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

- мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун банк тизимида муқобил молия институтларини ривожлантириш ва замонавий банк маҳсулотларини жорий этиш керак;
- ҳозирги вақтда кўпчилик давлатлар ва тадбиркорларни ўзига жалб қиладиган муқобил молия тармоғи бўлиб ислом молияси ҳисобланади;
- ислом банкларининг инқирозга чидамли бўлиб, унинг сабаби жуда оддийдир;
- таҳлиллар кўрсатадики, мамлакатимизда ислом банкларини ривожлантириш имконияти жуда кенг ҳамда исломий банк маҳсулотларига талаб жуда юқоридир;
- мамлакатимизда “ислом дарчалари” фаолиятини бошлаш учун меъёрий-ҳуқуқий асос ҳалигача яратилмаган;
- мавжуд қонун бўйича мамлакатимизда исломий банк хизматларини фақатгина нобанк кредит ташкилотлари кўрсатишга ҳақли, тижорат банкларининг “ислом дарчаси” очиш жараёни эса мураккаб ва қийиндир;

¹ “Analysis of Islamic Financing Instruments in Uzbekistan” – UNDP Survey conducted in 2020

- “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонунда исломий банк хизматларини кўрсатишда маълум чекловлар ҳам ўрнатилган.

Мамлакатимизда исломий банк маҳсулотларини жорий қилиш учун қуйидагиларни таклиф этамиз:

1. Мамлакатимизда аҳоли маблағларини иқтисодиётга кўпроқ жалб қилиш ва тадбиркорликни янада ривожлантириш учун ислом банкларини очиш лозим.

2. Мавжуд қонунчилик шароитида тижорат банклари нобанк кредит ташкилотларини таъсис этиб, улар орқали исломий банк хизматларини кўрсатишни бошлашлари лозим. Ушбу нобанк кредит ташкилотлари банкларда “ислом дарчаси” вазифасини бажаради.

3. Мамлакатимизда ислом банк маҳсулотларини жорий қилиб, унинг ҳажмини кескин ошириш учун Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонунига ўзгартириш киритиб, банкларга исломий банк хизматлари кўрсатишга рухсат бериш лозим.

4. Исломий банк хизматлари кўрсатадиган нобанк кредит ташкилотларига исломий асосда омонатларни жалб қилишга рухсат бериш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мурожаатнома, (2020) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. www.president.uz
2. Байдаулет, Е.А. (2019) Исломий молия асослари. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 9-бет.
3. Беккин Р.И. (2009) Исламские финансовые институты и инструменты в мусульманских и немусульманских странах: особенности и перспективы развития. / Автореф. дисс. докт. экон. наук, 2009. – 48 с.
4. Мусаев Р.А., Магомедова Ю.Д. (2018) Исламские финансовые институты в условиях глобализации. Баку-2018. Издательство филиала МГУ им М.В.Ломоносова в г.Баку. Стр. 58, 112.
5. Шожалилов М. (2018) Ислом банклари фаолияти. <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/8623-islom-banklari-faoliyati>
6. “Analysis of Islamic Financing Instruments in Uzbekistan” – UNDP Survey conducted in 2020.
7. Низомиддинов М. (2021) Ислом дарчалари: анъанавий банкинг учун янги имконият. <https://islommoliyasi.uz/uz/islom-darchalari-ananaviy-banking-uchun-yangi-imkoniyat/>.
8. Қонун (2022) Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-765-сонли қонун, 2022 йил 20 апрель. <https://lex.uz/ru/docs/5972411> 8. Қарор (2019) “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4400-сон қарори, 2019 йил 23 июль.

https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/mikro_moliyalashtirish_limitlari_oshiriladi